



ИНГЛИЗ АДАБИЁТИДА ТАСАВВУРЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

*Холбеков Муҳаммаджон, СамдЧТИ профессори
Мамарасулова Гулноз, ЖиззДПИ мустақил тадқиқотчиси*

Калит сўзлар: романтизм, уйғониши даври, романтик давр, маърузалар, манифестлар, альбатрос, классицизм.

XVIII асрнинг 70-йилларида шакллана бошлаган адабиёт тарихида ва етакчи ҳаракатлардан бири ҳисобланган романтизм кўплаб соҳаларда, айниқса адабиёт, санъат ва рангтасвирда ўз кўринишини яққол намоён этди. Бу давр ижодкорлари асарларида ўзига хос бадиий услублар шаклланди.

Романтизм белгилари илк бора Буюк Британия, Франция ва Германияда кузатилган бўлса-да, аммо Италия, Испания ва қатор бошқа давлатларни ҳам ўз таъсирини яққол намоён этди. Бу давр ижодкорлари асарларида ўзига хос бадиий услублар шаклланди.

Кўплаб манбаларда, 1783-1830 йиллар оралиғида бадиий ижодда етакчи ўрин тутган романтизм ҳаракатлари ва бундан аввалги Уйғониш даври билан айрим жиҳатларини ўзаро қиёсловчи тадқиқотларда Романтик даврнинг фарқли томонлари намоён бўлиб, унда рух, қалб ва ҳис-туйғулар түғёни етакчи роль ўйнайди, бу даврнинг мазмун-моҳиятида инсоният интилишлари ва муаммоларига ургу берилиши таъкидланади. Қисқа қилиб айтганда, адабиётда романтизм қатор йирик оқимларни уйғониш даври ва “Илмий инқилоб” концепцияларини ҳам рад этади.

Романтизм ривожига инглиз шоирлари Кольриж, Вордворт, Блейк, Китс, Байрон, Шелли ва бошқалар улкан ҳисса қўшди. Маълумки, адабиётда энг муҳим восита бу сўз ва ифодавийлик. Романтик шоирлар биринчи навбатда ўз асарларига ҳаяжонли, хаёлий ва гайриихтиёрий тасаввурларини сингдиришга интиладилар. Ижодкорлар-нинг ҳис-туйғулари ва идроки шеърга қўчиб, илмий ҳақиқатни тадқиқ этишдан кўра, “хаёлий ҳақиқат” (“truth of the imagination”)ни излашга бағишиланган эди.

Орадан кўп вақт ўтмай, романтизмнинг фалсафий ва ҳиссий

хусусиятлари бутун Европа бўйлаб тарқалиб, натижада у нафақат санъат ва гуманитар фанларга, балки кишилиқ жамиятидаги турли жараёнларга ҳам ўз таъсирини кўрсата бошлади. Романтизм шеъриятида инсон ҳиссиётлари, муносабатлари ва бошқа жиҳатлари ўрганилди, тадқиқ этилди. Адабиётшунос олимлар Блум ва Триллинглар фикрига кўра, йиллар ўтса-да, романтик даврнинг энг олий мақсадлари ҳамон ўз қадр-қимматини йўқотгани йўқ. Аксинча, “Романтизм-абадий ва тақрорланиб турадиган ҳодисага айланди”.

Европада Уйғониш даври XV-XVII асрларга тўғри келиб, унинг асосий хусусиятларини кўздан кечириш асносида, романтизм ҳаракати пайдо бўлишининг баъзи омиллари ва икки оқим ўртасидаги кескин фарқларни англаш мумкин бўлади. Уйғониш даври адабиётида бошқа унсурларга қараганда айнан, мантиқ ва ақл-идрок муҳим аҳамият касб этиб, романтизмга хос туйғуга асосланган қарашларга деярли ургу берилмайди. Уйғониш даври ғояларига кўра, инсон ва унинг муносабатлари, жамиятда тутган ўрни, авваламбор, илмий нуқтаи назардан келиб чиқсан ҳолда шакллантирилиши лозим.

Романтик давр тарихида холислик фақат истак-ҳоҳиши бўлибина қолмай, унга эришиш мумкинлигига қатъий ишонч пайдо бўлди. Бу давр вакиллари субъектив ҳиссиётлар, табиат хусусидаги мушоҳадалар ва ижодий майлардан кўра янги ресурслар, техникалар ва сармояга эга мамлакатнинг иқтисодий инфратузилмаси ҳақида қайғуриш афзалроқдир, деган фикрлардан йироқ бўлишган. Нафсилаамр сиёсий ва иқтисодий мавзулар атрофидаги адабий асарлар шу замоннинг устувор масалалари ва қадриятларини ўзида акс



эттириди. Худди шу тарзда фалсафий асарлар ҳам ўз даврининг муаммо ва ташвишларини ёритиб, ижодкорларнинг шахсий ўй-фикрлари билан биргаликда инсоният тажрибасига асосланган эди.

Кейинчалик, романтизм гайри-ихтиёрийлик, ижодийлик ва ўзига хослик етишмайдиган маданий мұхитларга қарши ижобий таъсир күрсата бошлади. Албатта, романтик даврнинг ilk ва иирик асарлари фақатгина поэзиядан иборат бўлиб қолмай, балки инсон табиати ва феъл – автори хусусиятидаги маъruzалар, манифестларни ўз ичига олган эди. Кольрижнинг “Bibliographia Literaria”, Шеллининг “Шеърият мудофааси” (“Defence of Poetry”) ва Вордсвортнинг “Лирик балладалар” (“Lyrical Ballads”) ва “Муқаддима” (“Preface”) сини бунга мисол қилиш мумкин. Юқоридаги насрый асарларда романтик шоирларнинг дунёқарашлари нақадар кенг қамровли эканлиги яна бир бор исбот этилади. Улар ғоялари Уйғониш даври намояндалари фикр-мулоҳазаларидан тубдан фарқ қилиши яққол сезилади. Ва романтизмга хос асосий хусусиятлар ишлаб чиқилиб амалга татбиқ этилади. Бу кайфият, масалан Вордсвортнинг “Муқаддима” (“Preface”) сида қуйидагича қайд этилган: “Оддий нарсалар (ёзишга лойиқ бўлган) ғайриоддий усулда тақдим қилиниши лозим”. Худди шу тахлитда, романтиклар энг оддий кундалик воқеалар, хистайғулар ва тажрибаларни кутилмаган, ноодатий ҳолларда ифода этиш назариясини илгари суришди.

Романтизмнинг яна бошка бир сифатига Шелли томонидан таъриф берилган. Унда айтилишича, ҳиссиёт ва муносабатларнинг ўзи етарли эмас, умрнинг қадр-қиммати мұхимдир. Шелли яна шуни таъкидлайды: “Башариятнинг буюк сири севгидир... Инсон гўзаллиги эса унинг ақл-идроқи, хатти-харакатлари ва одамийлиги орқали белгиланади. Комил инсон чукур мушоҳадали ва шиддатли бўлиши шарт. У ўзини бошқа одамлар ўрнига кўйиб кўра олиши, уларнинг дардалами ва қувончларини ўзиники деб қабул қилиши лозим”.

Адабиётшунослар инглиз романтизмини қуйидаги икки босқичга бўлиб ўрганадилар:

1. 1793-1812 йилларни ўз ичига олиб “Кўл мактаби” шоирлари ижоди дея номланади;

2. 1812-1832 йиллардаги “Лондон романтиклари” ижодий фаолиятидир.

Биринчи босқич “Кўл мактаби” номи билан машҳур бўлиб, бу давр 1793-1812 йилларда яшаб ўтган лейкистлар (инглизчада “lake” - кўл) асарларида ўз аксими топади. “Кўл мактаби” шоирларини Уильям Вордсворт (1770-1850), Сэмюэл Тейлор Кольриж (1772-1834), Роберт Саути (1774-1843) лар гурухи ташкил этади. Улар Англиянинг шимолида кўллар ўлкасида туғилиб, шу маконда ижод қилганларни боис, “лейкистлар” номи билан шухрат қозонишиди.

Бу уч шоир ёшлик чоғлариданоқ, Буюк Француз инқилобини кўллаб – кувватлашади. Аммо 1794 йилдан улар бу эътиқодидан қайтишиди. 1795 йилда Вордсворт ва Кольриж ilk бора учрашиб, ўзаро дўстлашади ва ҳамфир ижод қила бошлайдилар. Уларнинг ўхшаш жиҳатлари шунда эдики, икки шоир ҳам инқилоб оқибатларидан хавотирда ва буржуя дунёсига нисбатан нафрат ҳисси билан қалблари тўлиб –тошганди. Шу аснода, улар ҳамфир бўлиб, 1798 йилда “Лирик балладалар” (“Lyrical Ballads”) номли тўпламни нашр этишиди. Ушбу асар ilk инглиз романтизмининг адабий йўналишига асос солиб, катта муваффақиятларга эришди. 1800 йили “Лирик балладалар”нинг иккинчи нашри учун Вордсворт ёзган муқаддима эса инглиз романтизмининг манифестига айланди. Вордсворт унда муаллифлар олдига мұхим вазифаларни кўндаланг қўяди: “Демак, шеър ёзишдан мақсад – воқеликни, кундалик ҳәётимизда рўй бераётган вазиятларни ифода этиш, баён қилиш ёки имкон қадар, ўзгача усулда уларни тасвирлаб бериш эди. Шу билан бир вактда, у хаёлий бўёқлар воситасида безатилиб, оддий нарсалар ғайриоддий тарзда пайдо қилинди. Энг мұхими, ушбу воқеа ва ҳодисалар, ниҳоят,



адолатпарварлик рухида қизиқарли ифодаланиб, онгли равища, бизнинг табиатимизга хос фундаментал қонуниятларни ўзида мужассам этмоғи лозимдир”.

Вордсворт XVIII аср классицизм шеъриятининг анъанавий шеърий услубларига амал қилмай, ўзига хос тарзда битиклар қоралаб, инглиз шеъриятида туб ўзгаришлар ясади. Вордсворт ва Колърижнинг мутлақо янгича ҳаракатларини А.С.Пушкин шундай изоҳ-лайди: “Хали вақти келиб, инсон ақли бир хилдаги танланган ва чегараланган ижод маҳсулларидан зерикиб, аввалига хор қилинган янгича қарашлар ва ғалати услубларга яна мурожаат қиласди”.

Вордсвортнинг ўзига хос ҳиссаларидан бири шу эдики, у дехқон рухиятини тушунишга, уни шеърга солишига интилади. Энг тоза ва соф туйғулар ҳам дехқон болаларида намоён бўлади, дейди шоир. Унинг “Биз еттовлон” (“are Seven”) номли қиссасида саккиз ёшли қизалоқ ҳақида ҳикоя қилинади. Болаларнинг икки нафари вафот этган бўлишига қарамай, қизча оиласида еттига фарзанд борлигини таъкидлайверади. Шу йўсинда, ижодкор қаҳрамонига тасаввуфий рухни сингдиришга интилади. Қизча қалбининг туб-тубидан кўнгил адабийлигини англаб етади, гўёки унинг қондошлари ўлмаган, улар ҳануз тирикдек.

Колъриж инглиз шеъриятида ўз ёзиш услуги билан муҳим ўрин тутади. Унинг шеърлари ўз даврининг нуфузли ижодкорларига бевосита чукур таъсир кўрсатган. Унинг замондошлари шоирни ўз асарлари устида бошқа ижодкорларга қараганда янада пухтароқ ишлайдиган моҳир уста сифатида тан олишган. Шунингдек, “Кўл мактаби” гуруҳи аъзоси бўлмиш Саути ва Вордсвортлар ҳам унинг маслаҳати ва қўмагига таянишган. Шоирнинг Вордсворт ижодига таъсири ниҳоятда сезиларли бўлиб, танқидчилар Колърижнинг “Диалогли шеърият” ғоясининг асосий мазмунини унда кўришади.

Колърижнинг машҳур асарларидан бири “Қари денгизчи афсонаси” (“The

Rime of the Ancient Mariner ”) ҳисобланиб, денгизчи байрамга шошилаётган йигитчани тўхтатиб, унга ўзининг ғалати ҳикоясини сўзлаб беради. У денгиз сафарларидан бирида, кемасига омад келтирувчи – альбатрос¹ қушини ўлдирганини айтади. Бироқ ишлар аксига олиб, барчаси барбод бўлади. Яъни денгизчининг бошига ҳисобсиз кулфатлар ёғилиб, кемада ичимлик суви қолмай, одамлари ҳалок бўлади. Фақатгина денгизчининг ёлғиз ўзи тирик қолади. Шундан сўнг у бўлиб ўтган баҳтсизликларнинг асл сабаби унинг ёмон иши оқибатида рўй берганини англаб етиб, осмонга қараб тавба-тазарру қиласди. Шу заҳоти шамол эсиб кемани қирғоқка йўналтиради. Чолнинг нафақат ҳаёти сақлаб қолинган, балки қалби ҳам покланган эди.

Аввалига Колъриж қаҳрамони ўз хатти-ҳаракатлари билан нақадар тошибағир инсон эканлиги эътироф қилинса, аммо кеч бўлса-да ўз айбига иқор бўлиб, яратгандан қилмишлари учун афв этишини сўраб ёлворади. Уйғонган виждони унга энг олий маънавий қадриятлар моҳиятини очиб беради. Ушбу романтик қаҳрамон тасаввуфий безаклар билан ўқувчи онгига гавдаланади.

Шундай қилиб, “Кўл мактаби” шоирлари ижодида эстетик оҳангларга урғу берилиб, уларга борлиқдаги сиёсий ва фалсафий жараёнлар ҳалқона ҳамда ноодатий усувларда ифода этилади.

Инглиз романтизмининг иккинчи босқичи – 1812-1832 йиллар (Байроннинг “Чайльд Гарольднинг саргузаштлари” (“Childe Harold’s Pilgrimage”) асарининг биринчи нашри чоп этилган даврдан то Вальтер Скоттнинг ўлимигача бўлган давр)ни қамраб олади. Бу даврнинг асосий ютуқлари Байрон, Шелли, Скотт, Китс номлари билан узвий боғлиқдир. Байроннинг “Чайльд Гарольднинг саргузаштлари” (“Childe Harold’s Pilgrimage”) поэмаси барча миллатлар озодлиги мадҳ этилиб, унда мустақиллик

¹Альбатрос – узун тумшук ва кичик қанотли катта денгиз қуши.



ва эркинлик учун кураш ҳар бир халқнинг бурчи эканлиги таъкидланади. Шу боис, илк романтик типдаги образларга “Байронона қаҳрамон” (“Byronic hero”) деган таъриф берилади.

Бу даврнинг иккинчи йирик ютуғи – Вальтер Скотт томонидан асос солинган тарихий роман жанри бўлди. Унинг қаламига мансуб “Пуританлар”, “Роброй”, “Айвенго”, “Квентин Дорвард” каби романлар ғарб адабиётида тарихий роман жанрининг шаклланишида асосий туртки бўлади.

Иккинчи давр бошларида, ниҳоят, “лондонлик романтиклар” гурухи юзага келиб, улар илғор ислоҳотлар талабгорлари ва инсон хуқуқлари ҳимоячилари сифатида майдонга чиқишиди. Лондонлик романтиклар ичидаги энг нуғузли шоирларидан бири Жон Китснинг John Keats (1795-1821) шеърияти алоҳида аҳамиятга эгадир. У буюк шотландиялик шоир Роберт Бернснинг шеърий анъаналари изидан бориб, унинг тараққий этишида ўз хиссасини қўшди. Китс ўз шеърларига табиат ҳодисаларидан ҳайрат ҳиссини сингдириб бораркан “Чигиртка ва крикет” (“The Grasshopper and Cricket”) номли сонетида шундай ёзади: “Ер юзида шеърият ўлим билмайди” (The Poetry of earth is never dead).

Шоир “Эндимион” (“Endymion”, 1818) ва “Гиперион” (“Hyperion”, 1820) каби поэмаларида юонон мифологияси ва тарихига юононча назар ташлайди. Аммо консерватив танқидчилар Китснинг новаторона асарларини коралашга уринадилар. Таъсирчан шоир эса ватанини тарк этиб Италияга кетишга мажбур бўлади. Китс жуда кисқа умр кўрди. У 1821 йилда вафот этади. Кейинги йили эса

инглиз романтизм адабиётининг ёрқин намояндалари Шелли ва Байронлар оламдан кўз юмадилар.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб хуоса қиласидаги бўлсак, романтизм тамойиллари ўзликини ва жамиятни англашдан тортиб, инсоннинг муносабати ва ҳиссиётларини тадқиқ қилиш, ўзини ва ўзгаларни англаш кечинмаларида ўз ифодасини топди. Ҳолбуки, романтизм одамларда ғайриоддий ва кутилмаган воқеаларга бой асарлар орқали умид учқунларини ёқди. Бу давр руҳи инсониятни янгича орзу қилишга, тасавур қилишга, хаёлот осмонида парвоз айлашга, онгли ва онгиз орзу-ҳаваслар ўртасидаги чегарани тафтиш этишга имкон яратди.

Романтизмнинг бу юксак мақсадлари биринчилардан бўлиб инглиз шоирлари томонидан аник-равшан ифода этилгач, кейинчалик бошка бадиий жанрлар, хусусан, мусиқа ва тасвирий санъатни ўз ичига қамраб олди, шу тарзда европа давлатларига ёйилди. Бу борада, ҳануз классицизм ғояларида мудраб ётган мамлакатларга романтик ҳаракат ғояларини ёйиб, ўзига хос тарздаги ноёб ижодий ва хаёлий тушунчаларни олиб кирди. Натижада эса шахс, санъат ва ҳиссий ифодалар қадр-қиммати амалиётда қайта тикланиб, илмий асосга йўналтирилган Company, мантикий қарашлар ўрнини туйғулар фалсафаси эгаллади. Тадқиқотчилар Блум ва Триллингларнинг ёзишича, романтик давр намояндаларининг улкан ҳиссалари ҳозирги пайтда ҳам ўз аҳамияти ва моҳиятини йўқотгани йўқ. Зоро, улар таъкидлаганидек: “Романтизм ... инсон табиатига хос ва мос ҳодисадир”.

Адабиётлар:

1. Bloom, Harold and Lionel Trilling. Romantic Poetry and Prose. New York: Oxford University Press, 1973.
2. Abrams, M.H. and Stephen Greenblatt, eds. The Norton Anthology of English Literature, Seventh Edition, Volume 2. New York: W.W. Norton & Company. 2000.
3. Холбеков М.Н. Марло ва Шекспир. Тадқиқотлар, мақолалар, тақризлар. – Тошкент: “Наврӯз” нашриёти, 2015. – 348 бет.
4. Richardson, Alan. British Romanticism and the Science of the Mind. Cambridge, England^ Cambridge University Press, 2001.



5. Аниксин Г.В., Михальская Н.П. История английской литературы учеб.пособие. – М.: «Высшая школа», 1982.-528 с.

Xolbekov M., Mamarasulova G. The formation of imagination in the English literature.
The article is devoted to researching the role and major characteristics of Romanticism in English literature and analyzing the creative works of poets.

Холбеков М., Мамарасулова Г. Появление представлений в английской литературе.
Анализируя творчество поэтов, статья посвящена исследованию роли и основным
характеристикам романтизма в английской литературе.
